

## Византия императорининг йиғиси



12:30 / 23.02.2022 4177

Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳ вафот этганларида Византия императори Лев учинчи қаттиқ йиғлади. Буни кўрган аъёнлар ва епископлар бу йиғининг сабабини сўради. Шунда император: «Адолатли подшоҳ вафот этди. Мен бир роҳиб уйига кириб, ичидан беркитиб олиб, таркидунё қилиб, умрини ибодатда ўтказса ажабланмайман. Лекин дунё оёқлари остида бўлган бир инсоннинг дунёдан юз ўгириб, зоҳидона ҳаёт кечирганидан ажабланаман» деди.

***Византия императори Лев учинчи***